


## ОИЛА БИЛАН ИЖТИМОЙ ИШ АМАЛИЁТИ

Марказ мутахассислари ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича доимий равишда кенг қўламли ишларни олиб борадилар.

Ижтимоий иш бўлими ташкил топганидан буён оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 500 дан зиёд болалар ва уларнинг оилаларига 900 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Хусусан, маслаҳат бериш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, психологик хизматлар, тегишли ташкилотларга йўналтириш, ишга ва ўқишга жойлаштириш, тиббий-ижтимоий ёрдамлар, болалар ва уларнинг оилаларига хужжат масалаларида ёрдамлашиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.



Мурожаат қилувчиларнинг динамикасини кузатадиган бўлсак, бунда мурожаатлар доимий ўзгариб бораётганини ва охириги йилларда мурожаат қилувчиларнинг сони ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Бу кўрсаткич орқали ота-оналарда ўз оилалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун ҳоҳиш ва интилиш борлигини тушунишимиз мумкин. Сабаби, бугунги кунда ота-оналар малакали мутахассис хизматларидан фойдаланиш муҳим эканлигини биладилар ва мутахассисларга мурожаат қиладилар.

Марказ мутахассислари болани саломатлигида самарали натижага эришиш учун албатта, ота-оналар ва оила аъзолари ўртасида илиқ самимий муҳит ҳукмрон бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун, Марказда фарзандининг касаллиги туфайли ўз оила аъзолари томонидан азият чекаётган аёлларга алоҳида эътибор берилади.

Бу йўналишда малакали психологлар, махсус педагоглар, ижтимоий иш ходимлари ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, борасидаги кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишда яқиндан ёрдам берадилар.